

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
“ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ

**“НАВОЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ  
ТИЛЛАРГА ТАГЛАМА ВА БАДИЙ ТАРЖИМА  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ  
РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**  
*(илемий мақолалар)*

Тошкент - 2019

**Нашрға тайёрловчи:** **Рисолат Ҳайдарова,**  
Халқаро алоқалар ва бадиий  
таржима бўлими бош мутахассиси

**Тақризчилар:** **Нурбой Жабборов,**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Елена Долгополова,**  
филология фанлари номзоди

Зиёдахон ТЕШАБОЕВА,  
*ЎзДЖТУ докторанти*

## “БОБУРНОМА” АСАРИДАГИ “ИЛИК” ЛЕКСИК МАЙДОНИ ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Халқимизнинг ўзлигини чуқур англаши, миллий, умумбаша-  
рий қадриятлар уйғунлиги асосида яшашга интилаётган бир  
пайтда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етка-  
зиш, илм-фан ривожига эътиборни кучайтириш долзарб маса-  
лалардан биридир. Миллий тафаккур тараққиётига улкан ҳис-  
са қўшган буюк алломаларимизнинг асарларини чоп эттириш  
ва уларни ўрганиш қадимий фалсафамизга хос тушунча. Шу  
нуқтаи назардан турли қадимий манбаларни қайтадан илмий  
истеъмолга киритилаётгани муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Қадимий манба сифатида Заҳириддин Мұҳаммад Бобурнинг  
“Бобурнома”си бир неча асрлардан бери ўрганиб келинса-да,  
эндиликда мазкур асарнинг таржималари тарихи ва таржима  
муаммолари ҳам ўрганила бошладики, зеро “Бобурнома” аслий  
матнидан ташқари унинг таржималарининг ҳам хронологик  
манба сифатида ўрганилиши бугунги авлод билиши лозим бўл-  
ган вазифалардан бири сифатида кўрилади.

Нодир асар “Бобурнома” хорижий шарқшунос ва таржимашунос  
олимлар томонидан дастлаб маълумотлар манбаси сифатида (ти-  
жорий мақсадда) таржима қилинган бўлса, дастлабки ва кейинги  
таржималар даврини босиб ўтган, бир неча йиллардан сўнг, тар-  
жимонлар унинг ёзилиш услуги билан жиiddий қизиқиб қолган.

“Бобурнома”нинг инглиз тилига таржима қилиниш тарихига  
мурожаат қиласидан бўлсақ, асарни 1773–1856 йилларда яшаб  
ўтган тарихшунос таржимон Вильям Эрскин 1810 йилда инглиз  
тилига таржима қилган, лекин уни чоп эттирмай, ўзи билан бир  
пайтда бошлаган, асарнинг аслият тилидан ўгираётган Жон  
Лейденнинг нашрини кутишни афзал кўрган, чунки Жон Лей-

<sup>1</sup> Қаранг: Назаров Қиёмиддин. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти-  
матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 496 бет. 3-бет.

“НАВОЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАГЛАМА ВА БАДИЙ ТАРЖИМА  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ  
ден “Бобурнома”нинг тўлиқ бўлмаган аслиятдан ўгираётганли-  
ги билан ўша давр илм аҳлига маълум эди.

Вильям Эрскин “Бобурнома”ни форс тилидан инглиз тилига ўгирганлиги билан муҳим, бироқ Жон Лейден бошлаган таржимани якунига етказа олмай ҳаётдан бевақт кетди. Вильям Эрскин машхур инглиз ёзувчиси Вальтер Скот орқали Жон Лейденнинг таржимасини қўлга киритиб, ўзининг тайёр бўлган ишини аслият тилидан ўгирилган таржима билан солиштириди, ўзининг устози сифатида Жон Лейденнинг ишини қадрлаган ва тўлиқ таржима ҳолига келтириб, унинг хотирасига бағишилаб, 1826 йилда “MEMOIRS of ZEHIR-ED-DIN MUHAMMED BABER, EMPEROR OF HINDUSTAN” written by himself, in the Jaghatai Turki, and translated partly by the late John Leyden, Esq, M.D., partly by William Erskine. Printed by James Ballantyne and Co. Edinburg. London – 1826”, деган ном остида чоп эттирган. Шу нуқтаи на-  
зардан “Бобурнома”нинг Лейден-Эрскин таржимаси дейилган-  
да икки таржимон шахс ва бир китобни тушуниш мақсадга му-  
вофиқдир.

Яна асарнинг инглизча таржимаси борасида қўйидаги маълу-  
мотни келтириш лозим: 1909 йилда Ф.Талбот “Бобурнома”нинг таржимасини нашр қилдирган. Ушбу таржима асосида бир қан-  
ча нашрлар чоп этилди. 1845 йилда Лейден – Эрскин таржима-  
сининг қисқартирилган вариантини Р.М.Калдикот чоп эттирган.  
1879 йилда эса шарқшунос олим Ф.Талбот ушбу қисқартирилган нашрнинг иккинчи вариантини босмадан чиқарди.

Л.У.Кинг 1921 йилда муҳим илмий маълумотлар билан тўл-  
дирилган “Бобурнома”нинг иккинчи нашрини чоп эттириди.  
Ушбу нашрда “Бобурнома”даги узилиб қолган йиллар воқеала-  
ри бошқа манбалардан олиб тикланган эди.

Таниқли инглиз шарқшуноси Ҳенри Бевериж 1900 йилда Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида “Бобурнома”нинг ўзбекча нусхасини кашф этди. Ушбу қўллётмани унинг рафиқаси А.С.Бевериж хоним ўрганган ва 1905 йилда Лондонда факсимиile нусхасини чоп эттирган. Аннетта Сусанна Бевериж асарнинг ай-  
нан ўзидек, сўзма-сўз таржимани амалга оширишни мақсад қил-  
ган. Ундан сўнг яна 1921 йилда А.С.Беверижнинг “Бобурнома”-  
нинг инглиз тилига қилинган тўлиқ таржимаси чоп эттирилган.

Н.Отажоновнинг фикрича, инглиз таржимонлари асарнинг ўзига хослиги, бадиий хусусиятини сақлаб қолишига интил-

**“НАВОЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАГЛАМА ВА БАДИЙ ТАРЖИМА  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ**  
гандар. У таржималарнинг тили ҳақида бундай деб ёзади: “Лейден – Эрскин таржимасида услуга атайлаб инглиз ўқувчисига тушунарли қилиб танлангандай. Аксинча, Беверижнинг таржимаси қуруқроқ, илмий тилда битилган” [6, 59-60]. Профессор Текстоннинг фикрича, А.С.Беверижнинг таржимаси тала-баларнинг ишига ўхшайди, барча сўзлар худди луғатдагининг ўзгинаси, туркй (ўзбек) ва инглизча сўзларни айнан мос келтиришга ҳаракат қилинган [40, 53], дейилади.

“Бобурнома”нинг Лейден – Эрскин таржимаси мураккаб ва аслиятдаги сўзлар миқдорига солиштирганда ҳар бир сатрда уч-тўрттага ошиб борган. А.С.Беверижнинг таржимаси бадиий услуга жиҳатидан илмийликка мойил, ундаги мақол, матал таржималари инглиз тилидаги мақол, матал мазмунига яқин бўлган эквиваленти орқали ўғирилган ва ушбу Лейден – Эрскинда ҳам акс этган.

А.С.Беверижнинг таржимасидан роппа-роса 75 йил ўтгач, 1996 йилда профессор Вильер Текстон учинчи бор “Бобурнома”нинг мукаммал инглизча таржимасини чоп эттиради. Мазкур таржиманинг нашр этилиши Бобур Мирзо ҳаёти, ижоди ва даври ҳақидаги маълумотларни бойитди, бобуршуносликни янада юқори даражага кўтардики, ушбу соҳада олиб бориладиган ишларнинг кўламини кенгайтиришга янги имкониятлар очиб берди. Инглиз тилида “Бобурнома”нинг бир эмас, иккита таржимаси бўла туриб, америкалик шарқшуноснинг янги таржимага қўл уришини илмий жасорат деб аташ мумкин. Унинг асар таржимасининг адекватликка эришиш мақсадидаги уринишлари анча муваффақиятли чиққан бўлса-да, баъзи мақоллар таржимасида аслият мазмунига зид келганлигини ҳам қайд қилиб ўтиш керак.

“Бобурнома”да бутун Марказий Осиё, Ҳиндистон ярим ороли, Афғонистон халқларининг маданияти, тарихи, турмуш тарзи, тарихий шахсларнинг ҳаёти автобиографик – ўзига хос услубда ёритиб берилган.

“Бобурнома” инглиз тили таржималар тарихини бошидан кечирган асар экан, улар орасида йиллар фарқи ҳам етарлича. Булар “Бобурнома”нинг Жон Лейден – Вильям Эрскин (1826), Анетта Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996) таржимасидир.

Биз бу сафарги илмий тадқиқотимизда “Бобурнома” асари-даги “илик” лексик майдонига кирган сўз бирикмалари ва фра-

“НАВОЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАГЛАМА ВА БАДИЙ ТАРЖИМА  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ  
зеологик бирликларнинг маъноларини очиб беришга ҳаракат  
қиламиз ва уларнинг юқорида номи зикр этилган “Бобурнома”-  
нинг Жон Лейден – Вильям Эрскин (1826), Анетта Сусанна Беве-  
риж (1921) ва Вильер Текстон (1996) асарида қиёсий таҳлилга  
тортамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг асарида темурийзода  
беклар ўртасидаги нифоқларни тасвиirlар экан, Ҳусайн Бойқа-  
ронинг ўғли Бадиuzzамон Мирзо ва отасининг навкарларини  
унга қилган муомаласини, беклар ҳақидаги низоларни аччиқ  
киноя – фразеологик бирлик орқали тасвиirlайди. Шулардан  
бири Бадиuzzамон Мирзо ҳақида у бундай ёзади:

*Хисравшоҳни навкар-савдаридин айриб мундоқ забун қилма-  
сам эди, Кобулни Зуннуннинг ўғли Муқимдин олмасам эди, бориб  
мирзони кўрмаклари мумкин эмас эди. Бадиuzzамон мирзо худ бу-  
ларнинг илгига хамир эди, буларнинг сўзларидин тажсовуз қила  
олмас эди* [123].

Ушбу аслият ҳозирги кун ўқувчиси томонидан силлиқ ўқи-  
лишини таъминлаш мақсадида бобуршунос олим ва олима  
Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаеваларнинг 2008 йил-  
даги “Бобурнома”нинг табдилини келтирамиз: *“Хисравшоҳни  
навкар-савдаридан айриб бундай бечораҳол қилмасам, Кобулни  
Зуннуннинг ўғли Муқимдан олмасам эди, уларнинг бориб мирзони  
кўрмаклари мумкин бўлмасди. Бадиuzzамон Мирзо ҳам буларнинг  
қўлида хамир эди”* [122].

Аслият мисолидаги илгига хамир бўлиш, хукмдор бўла туриб,  
бекларнинг илгига хамир каби эврилиши, уларнинг измига  
бўйсуниши “Бобурнома” муаллифини ҳайратга солади ва муал-  
лиф ўткир киноя орқали асарда фразеологик бирлик орқали акс  
эттиради. Ушбу фразеологик бирлик уч турдаги инглизча тар-  
жимада қай тарзда ўгирилганини кузатамиз:

Аслият мисоли Жон Лейден ва Вильям Эрскин таржимасида  
қўйидагича берилади: *“For had I not deprived Khosrou Shah of his  
army and retainers, and reduced him to his present helpless condition,  
and had not I taken Kabul from Mokim, Zulnun’s son, they never would  
have thought of going to wait upon the Mirza. Badia-ez-zaman was  
only dough in the hands of the other two, and never attempted to  
swerve from their advice* [9, 168]. – Хисравшоҳнинг навкар ва хиз-  
маткорларини тортиб олмасам ва уни ҳозирги ҳолатга солма-  
сам эди, Зуннуннинг ўғли Муқимдан Кобулни олиб қўймасам

“НАВОЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАГЛАМА ВА БАДИЙ ТАРЖИМА  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ  
эди, улар ҳеч қачон бу Мирзога хизмат қилиш учун бормасди.  
Бадиуззамон Мирзо эса фақат бир-икки кимсалар **қўлида ҳамир эди** ва ҳеч қачон уларнинг маслаҳатидан бош тортолмасди”  
(таржима бизники).

Аслият мисоли яна инглизча Аннета Сусанна Бевериж таржимасида қуйидагича берилади: “*For it is not likely they would have seen if I had not made Khusrau Shah helpless by parting him his following, and if I had not taken Kabul from Zunnun's, Muqim. Badi'uzzaman Mirza himself was as dough in the hands of the rest; beyond their word he could not go* [243]. – Агар мен Хисравшоҳни ночор ҳолатга солиб, булардан айрмаганимда ва Зуннун билан Муқимдан Кобулни тортиб олмаганимда, улар бундай алфозда қўринмаган бўларди. Бадиъуззамон мирзо бўлса қолганлар **қўлида ҳамир эди**, уларнинг сўзидан ўтиб бир иш қилолмасди” (таржима бизники).

Аслият мисоли кейинги инглизча Вильер Текстон таржимасида: “*Had I not reduced Khusrawshah to such a state by separating him from his servants and liege men, and had I not taken Kabul from Zu'n-nun Beg's son Muqim, it would not have been possible for them to go to the mirza. Badi'uzzaman Mirza, putty in their hands, was incapable of protesting against anything they said* [182]. – Мен Хисравшоҳни шундай давлатидан ва хизматкорию, лашкарларидан айириб кучсизлантирмаганимда, Зуннунбекнинг ўғли Муқимдан Кобулни олмаганимда эди, улар балки, мирзога бормаган бўлармидилар. Бадиъуззамон мирзо уларнинг **қўлида ҳамир** (putty-тешик, ёриқларни бекитиш учун ишлатадиган ёпишқоқ қоришма)<sup>1</sup> **эди**, улар айтган фикрга қарши чиқолмасди” (таржима бизники).


Тадқиқотдан қўринадики, фразеологик бирлик *илгода ҳамир бўлмоқ* уч турдаги инглизча Жон Лейден ва Вильям Эрскин (1826), Аннета Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996)да таржиманинг калька усули, яъни сўзма-сўз таржимадан фойдаланган. Сабаби озиқ-овқат таркибига кирган фразеологик бирлик *илгода ҳамир бўлмоқ* барча миллатга таниш жараён – *илгода ҳамир* ва ҳамирни ҳар қандай шаклга солиниши, инсон қиёфасининг сифатларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган. Айнан ушбу илгода ҳамир бўлмоқ асарнинг русча

<sup>1</sup> Бўтаев Ш, Ирисқулов А. Инглизча-ўзбекча, Ўзбекча-инглизча луғат. Тошкент – “Фан” нашриёти, 2009.

“НАВОЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАГЛАМА ВА БАДИЙ ТАРЖИМА  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ  
таржимасига ҳам күчган.

“Хисравшоҳни навкар-савдаридин айириб мундоқ забун қилмасам эди, Кобулни Зуннуннинг ўғли Муқимдин олмасам эди, бориб мирзони қўрмаклари мумкин эмас эди. Бадиуззамон мирзо худ буларнинг **илгода ҳамир эди**, буларнинг сўзларидин тажовуз қила олмас эди. – Если бы я не сделал Хусравшаха столь слабым, разлучив его со слугами и нукерами, если бы я не отнял Кабула у Мукима, сына Зуннуна, то их уход и свидание с Мирзой оказались бы невозможны. Ведь Бади'аззаман мирза **был у них в руках**, [словно] **тесто**, и не мог отступить от их слов [94]. – Агар мен Хисравшоҳни ўзининг навкари ва хизматкорларидан ажратиб, ожиз қилмаганимда, агар мен Зуннуннинг ўғли Муқимдан Кобулни тортиб олмаганимда эди, улар Мирзо билан учрашишга кетиб қололмаган бўларди. Ахир Бадиуззамон мирзо уларнинг **қўлида ҳамир** [сўзма-сўз] **эди** ва уларнинг сўзидан возкеча олмасди”, - деб таржима қилинади.

“Бобурнома”да қўлланган қуйидаги ИЛИК концептига эътибор қаратайлик.



Юқоридаги тасвирда берилган *илигидан хамир бўлмоқ*, илигини илигига олмоқ, илик олишмоқ, иликка тушмоқ (асир тушмоқ), илигига тушмоқ (тасарруфига кирмоқ), иликка кирмоқ (қўлига ўтмоқ), илиги ишга етмоқ сўз бирикмаси, фразеологик бирликтарзида акс этган.

Бобур миллий анъаналардан бири бўлган урф-одат ҳақида “Бобурнома”да шундай ёзади: “Ул мўғул бўз боғлағон ўйнинг ўрта **илигини илигига олиб**, мўғулча нималар деб туқча боқиб ишорат қиласудур, хон ва тамом турғонлар туғ сориға қимизлар сочадурлар” [89].

Бир ўқишида берилган мисолдаги ажратиб ёзилган жумлалар *илигини илигига олиб* фразеологик бирликка ўхшаб кетади, лекин асарнинг табдили ўқилса сўз мазмуни ўз-ўзидан аён бўлади. – “У мўғул бўз боғлаган молнинг ўрта **илигини қўлига олиб**, мўғулча сўзлардан бир нималар деб туғга қараб ишора қиласди. Хон ва барча турғанлар туғ сари қимизлар сочадилар” [87].

Ушбу мисолнинг таржимаси рус тилида ҳам акс этган: “*Тот мого́л, взя́в в руки бычью кость с привязанной к ней холстистой, что-то сказал по-могольски, смотря на знамя, потом сделал знак. Хан и все те, кто стоял подле него, принялись кропить кумысом в сторону знамени* [64]. – У мўғул бўз билан ўралган хўқизнинг суюгини қўлига олиб, байроққа қараб мўғулча бир нималар деди, кейин ишора қиласди. Ўша ерда турған Хон ва бошқалар байроқ томонга қимиз соча бошладилар”.

Аслият мисоли Жон Лейден ва Вильям Эрскин таржимасида қуйидагича берилади: “*Then the Moghul that had tied on these cloths, taking the ox-shank in his hand, made a speech in the Moghul tongue, looking often to the standards, and pointing and making signs towards them* [103]. – Кейин Мўғул матоға ўралган **хўқизнинг туёфини қўлига олиб**, ён атрофидагиларга бир-бир қараб олиб, байроққа ишора қиласди ва қўли билан уни кўрсатиб, мўғул тилида нутқ сўзлади”.

Аслият мисоли яна инглизча Аннета Сусанна Бевериж таржимасида қуйидагича берилади: “*The Mughul who had hold of the strip of cloth fastened to the cow's leg, then said something in Mughul while he looked at the standards and made signs towards them* [222]. – Матоҳ билан маҳкам боғланган **молнинг оёғини тутиб** турған Мўғул ёнида тик турғанларга қараб олдинга ишора қиласди ва мўғул тилида бир нималар деди”.

“НАВОЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАГЛАМА ВА БАДИЙ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ

Аслият мисоли кейинги инглизча Вильер Текстон таржимасида: “*The Moghul took hold of the cow's shank to which the cloth was tied, said something in Mongolian, and, facing at the standards, made a sign* [116]. – Мүғул матохга ўралган **молнинг туёгини қўлига олиб**, Монгол тилида бир нималар деди ва уларга юзланиб, ишора қилди”.

Таржималардан кўринадики, хорижий шарқшунослар аслиятдаги **илигини илигига олиб** жумласининг мазмунини ўзининг она тилисида тўғри тушунган ва уч таржимада яхши акс эттира олган, лекин Вильер Текстон таржимасидаги *Монгол тили билан мўғул тилининг бутунлай бир-биридан фарқ қилишига эътибор қаратиш лозим эди*. *Мўғул тили дейилишининг боиси Заҳириддин Мухаммад Бобур яшаган даврдаги қадимий туркий тил билан боғлиқ бўлган хусусиятни англатиб, Монгол эмас, балки Чифатой туркий қавмга ишора қилинишидир*.

“Бобурнома”да **илик** концептини тўлиқ ўрганиш жараёнида мисолларни қуйидаги жадвал кўринишига солишини маъқул деб топдик. Чунки таржимонлар аслият матнига турлича ёндашилари табиий ҳолдир.

<b>ИЛИК концепти (аслият)</b>	<b>Лейден – Эрскин таржимаси (1826)</b>	<b>Сусанна Бевериж таржимаси (1921)</b>	<b>Вильер Текстон таржимаси (1996)</b>
илгига хамир бўлмоқ (Б. 122)	as dough in the hands (167, 168)	to be a dough at one's hands (243)	putty in their hands (P. 182)
илигини илигига олмоқ (молнинг оёгини қўлига олмоқ Б. 89)	taking the ox-shank in his hand (P. 103)	to have hold of cow's leg (P. 222)	to take hold of the cow's shank (P. 116)
илик олишмоқ (жанг қўлмоқ Б. 56)	attacked a body (P. 43)	got to grips with (P. 67)	to get into fracas (P. 49)
иликка тушмоқ (асир бўлмоқ Б. 236)	to have fallen into our hands (P. 380)	to have fallen into our hands (P. 600)	to have been taken captive (P. 409)
илигига тушмоқ (тасарруфига кирмоқ Б. 234)	fell into smb's hands (P. 376)	fell into the smb's hands (P. 593)	to fall into smb's hands (P. 405)
иликка кирмоқ (қўлига ўтмоқ Б. 92)	would have fallen into our hands (P. 110)	would have come into our hands (P. 234)	would have fallen into our hands (P. 124)
илиги ишга етмоқ (қўли ишга бормоқ Б.133)	to go into action (P. 186)	getting his hand into the work (P. 274)	to join the fray (P. 205)

Аслиятдан яна бир мисолни таҳлил қиласиз: “Қорабулоқ-дин күчуб, сув кечиб, Ём түғрисида туштук. Ушбу кун баъзи ички беклар Хиёбон бошида Бойсунқур мирзонинг кишиси била илик олиштилар” [56]. Берилган мисолдаги ажратилган илик олиштилар фразеологик бирликдир, лекин табдилда оддий сўз тўқнаштилар орқали берилади. Масалан, “Қорабулоқдан ўтиб, сув кечиб, Ём түғрисида тушдик. Ушбу кун баъзи хос беклар Хиёбон бошида Бойсунқур мирзонинг одамлари билан тўқнаштилар” [52].

Ушбу мисол таржимаси Жон Лейден ва Вильям Эрскинда қўйидагича берилади: “*Marching from Kara-bulak, I crossed the river, and halted near Yam. The same day, some of my principal Begs attacked a body of Baiesanghar Mirza's troops on the Khiaban of the city* [43]. – Қора-булоқдан юриб, мен дарёни кесиб ўтдим ва Ям ёнида тўхтадик. Худди шу куни менинг бир неча бекларим шаҳар хиёбонида Бойсунқур мирzonинг аскарларига ҳамла қилди”.

Аслият мисоли Аннета Сусанна Бевериж таржимасида қўйидагича берилади: “*Marching from Qara-bulaq, we crossed the river (i.e. the Zarafshan) and dismounted near Yam. On that same day, our men got to grips with Bai-sunghar Mirza's at the head of the Avenue* [67]. – Қора-булоқдан юриб, биз дарёни кесиб ўтдик (масалан Зарафшон) ва Ям ёнида отдан тушиб тўхтадик. Ўша куни бизнинг кишилар марказий шаҳар хиёбонида Бойсунқур Мирzonинг кишилари билан тўқнаштилар”.

Аслият мисоли Вильер Текстон таржимасида: “*We moved out of Qara Bulaq, crossed the river, and camped opposite Yam. That very day some of the ichki begs got into fracas with Baysunghur Mirza's men right on the Khiaban* [49]. Биз Қора Булоқни тарқ этиб, дарёдан кечиб ўтдик ва Ям қаршисида тўхтадик. Худди ўша куни ички беклар Бойсунқур мирzonинг йигитлари билан шундоқ шаҳар Хиёбонида юзма-юз жанг қилдилар”.

Таржималардан кўринадики, аслиятни қайта яратишда ҳар бир таржимон ўз нуқтаи назари билан ёндашиб ўзига хос уч турдаги таржима асар яратилган. Ҳар бир таржиманинг ўзига хос хусусияти бор, фразеологик бирликларни таржима қилишда ақсарият ҳолларда улар таржиманинг калька усулини кўпроқ қўллаган ва аслиятга яқин таржима юзага келган.

“НАВОЙ ВА БОБУР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАГЛАМА ВА БАДИЙ ТАРЖИМА  
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Бобурнома”да яна илик концептида күплаб мисолларни тадқиқ этиш мумкин, лекин уларнинг аслиятдаги, таржимадаги маъноларни чуқур ўрганишни талаб этади.

“Бобурнома”ни бир бор ўқиб чиққан ўқувчи ундан илҳомланиб, ҳаётга ишончи ортиб боради ва бошқача нуқтаи назар билан қараб: “Хар қандай зиёли ўзбек фарзанди борки, “Бобурнома”дек асарни ўқиб ўрганган, ахлоқ, хуқуқ, нафосат, миллий-маданий ва маънавий гўзалликни ўзида мужассам этган инсон бўлмоғи лозим”, – деган ўй беихтиёр пайдо бўлиши муқаррар. Бу билан ўқувчи тарихни қадрлаш, ундан ўзига ҳам маънавий, ҳам маърифий хулоса чиқариши аниқ. Бу борада яратилган ўнлаб ранг-баранг асарлар шундан дарак беради. “Бобурнома” асари қатор-қатор ўзбек фарзандларини шоирлик, адидлик сари етаклаган, ижодий муҳит яратишга сабаб бўлган десак хато қилмаган бўламиз.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Beveridge, Anette Susannah. The Babur-nama in English. Emperor of Hindustan Babur. – London, 1921. – 880 р.
2. Бўтаев Ш, Ирискулов А. English Uzbek-Uzbek English dictionary. –T: Fan, 2009. – 848 р.
3. Захиридин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т: Шарқ, 2002. – 335 б.
4. Захиридин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т: Ўқитувчи, 2008. – 287 б.
5. Захиридин Муҳаммад Бабур. Бабур-наме. – Т: Шарқ, 2008. – 242 с.
6. Захиридин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т: Шарқ, 2014. – 744 б.
7. Иброҳимов А. Бобурнома–буюк асар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент, 2000. 78 бет.
8. Leyden John. Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan. – London, 1826. – 432 р.
9. Назаров Қиёмиддин. Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент.: “Шарқ” нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.– 496 бет. Б.3.
10. Собиров М “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуги ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф.-Тошкент, 2002.
11. Thackston Wh. M. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. – New York, 1996. – 554 р.

## **МУНДАРИЖА**

### **Сирожиддин САЙЙИД.**

Икки дарё оралиғида қолиб кетмас менинг овозим... .....3

### **Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ.**

Навоий ва Бобур асарларининг француз тилига таржимаси  
ва нашрлари хусусида. .....6

### **Эргаш ОЧИЛОВ.**

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг тожикча таржимаси. .....16

### **Хуррам РАҲИМОВ.**

“Бобурнома” олмонча таржималарда. .....25

### **Жаббор ЭШОНҚУЛ.**

Алишер Навоий мероси ва фольклор. .....32

### **Бегойим ХОЛБЕКОВА.**

Навоий ғазалларини инглиз тилига таржима  
қилиш масалалари. .....40

### **Ровияжон АБДУЛАЕВА.**

Навоийнинг “Бобурнома”даги таърифи Европа талқинида. ....48

### **Зиёдахон ТЕШАБОЕВА.**

“Бобурнома” асаридаги “илик” лексик майдони ва инглизча  
таржималарининг қиёсий таҳлили. .....55

### **Рубен НАЗАРЬЯН.**

Армения и армяне в поэме  
Алишера Навои “Фархад и Ширин”.....65

### **Исройл СУЛАЙМОНОВ.**

“Бобурнома”да руҳий ҳолат тасвири. .....73

<b>Асалхон РАҲМАТУЛЛАЕВА.</b>	
Алишер Навоий мероси мўъжаз расмлар тимсолида.	81
<b>Азизбек ТУРДИЕВ.</b>	
Алишер Навоий асарларининг Тўра Сулаймон ижодига таъсири.	86
<b>Адҳамбек АЛИМБЕКОВ.</b>	
Горизонты переводоведения.	91
<b>Давлатбек САҶДУЛЛАЕВ.</b>	
Этнолингвокультурологические комментарии при переводе.	99
<b>Холида АВИЛОВА, Хулкара СУВОНОВА.</b>	
Навоий ғазалиётининг русча таржималари хусусида айрим мулоҳазалар.	103
<b>Муротой ЧОРИЕВА.</b>	
Навоий қитъаларига баъзи шарҳлар.	108
<b>Қосимбой МАЪМУРОВ.</b>	
Таржимада адекватлик масалалари (Алишер Навоий ва Мирзо Бобур рубоиллари ва ғазаллари таржимаси мисолида).	111
<b>Отабек ЖЎРАБОЕВ.</b>	
Бобур ижодиёти жаҳон нигоҳида.	119
<b>Иродда ПАРДАЕВА.</b>	
Алишер Навоийнинг тарихий асарларида одил шоҳлар зикри.	125
<b>Хусрав ҲАМИДОВ.</b>	
Навоий ва Румий ижодида қолипловчи ҳикоят.	130
<b>Абдумажид МАДРАИМОВ.</b>	
Алишер Навоийнинг асарлари қўлёзмалари ва китобат санъати масалалари.	134

<b>Зилола ШУКУРОВА.</b>	
О когнитивных механизмах перевода (на примере переводов газели №418 Н.Ушакова и С.Иванова из сборника «Редкости юности» Алишера Навои). ....	138
<b>Машхура ҲУСАНОВА, Давронбек АБДУРАҲМОНОВ.</b>	
Бобур асарлари таржималари хусусида. ....	146

**«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»**

Нашриёт лицензияси: № AI 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ-15, 1/90-уй.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишига 2019 йил 3 июнда рухсат этилди.

Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. «Cambria» гарнитураси.

Шартли босма табоғи 9,5. Нашриёт босма табоғи 9,5.

**«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI» МЧЖ**  
матбаа бўлимида офсет усулида босилди.